Ilmiy tadqiqotlar va ularning yechimlari jurnali
Aoka guvohnoma № 323759 ISSN: 3060-4818

«ОҚ КЕМА» АСАРИДАГИ РАМЗЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

Алисултонова Нигора Абибуллаевна
Андижон давлат педагогика институти
Филология факультети Қирғиз тили
таалими кафедраси доценти (PhD)
nigoraalisultonova@gmail.com
+998943801522
https://doi.org/10.5281/zenodo.20313388

Аннотация. Мақолада Чингиз Айтматовнинг асарларидаги рамзларнинг ифодаланиши очиб берилади. Айтматов рамзлар орқали инсоннинг табиатдан ажралишининг оқибатларини, анъананинг йўқолишини бадиий тасвирлайди.
Таянч сўзлар: рамзлар, портфель, экология, миф, трагедия.

Аннотация. В статье раскрывается изображение символов в произведениях Чингиза Айтматова. Через символы Айтматов художественно показывает последствия отрыва человека от природы, а также гибель традиций.
Ключевые слова: символизм, портфель, экология, миф, трагедия.

Чингиз Айтматов – қирғиз адабиётининг жаҳон миқёсидаги улуғ ёзувчиси. Унинг асарлари инсониятнинг абадий муаммоларини – инсонпарварлик, табиат билан ҳамоҳанглик, урф-одатлар, келажак умидларини – чуқур фалсафий маънода акс эттиради. “Оқ кема” қиссаси Айтматовнинг энг машҳур асарларидан биридир.

Ушбу асарда етти ёшли етим боланинг дунё қараши орқали совет давридаги ижтимоий ўзгаришлар, инсоннинг ички дунёсидаги қарама-қаршиликлар ва табиатнинг бузилиши тасвирланади.

Ёзувчи боланинг руҳий дунёсини очишда табиатдаги жонли ва жонсиз предметларни жонлидек қабул қилиб, улар билан оддийгина гаплашиб, дўстлашиб, ўйин қилиб яшашини бадиий тасвирлайди.

Асардаги ёзувчининг маҳоратининг яна бир ўзига хос жиҳати – рамзларнинг бойлигидадир. Рамзлар асарнинг асосий ғоясини чуқурлаштириб, ўқувчини ўйлантиради.

Рамз бу – қандайдир тушунча, ғоянинг шартли белгиси сифатида ишлатиладиган нарса; Ҳаракат ўша образнинг ўзидир. [1.434]

Асарнинг ўзи номиёқ асосий рамз – Оқ кема. Бу кема боланинг хаёлидаги умид, келажак ва поклик тимсолидир. Бола Иссык-Кўлда сузиб юрган оқ кемани дурбин орқали кўриб, унда матрос отаси ишлайди деб ўйлайди. Тадқиқотчи Айнура Қадырманбетованинг «Оқ кема» ҳақидаги «Ёзувчининг бадиий тадқиқот объекти бўлган ҳар бир воқеа, ҳар бир бадиий деталь ўз фикр сиғими, фалсафий маъно-мазмунига тўйинганлиги билан ўзига хос» деган баҳоси тўғри айтилганидек, асарнинг рамзий маънолари бадиий матннинг эстетикасини янада чуқурроқ очиб беради.[2.354]

«Оқ кема – поқликнинг, тозаликнинг, келажакнинг рамзи» деб тасвирланади. Бола кемани кўриб, ўзининг ёлғизлигини унутади ва келажакка умидланади.

Бола кемага етишни орзу қилади, ўша кема унинг ички дунёсида идеал ҳаётни англатади. Лекин асарининг охирида бола сувга чўкканда, кема етиб бўлмас узоқлик рамзига айланади. Бу –

жамиятнинг пессимистик кўриниши: умидлар амалга ошмайди. Рамзнинг чуқурлиги – кема бола учун ота-она ўрнини босади, чунки у етим.

Оқ кема – инсониятнинг абадий изланишининг метафораси. Айтматов бу рамз орқали табиат ва инсон гармониясини бузган жамиятни танқид қилади. Бола кемага етиш учун балиқ бўлиб сузишни хоҳлайди, бу – мифик трансформацияни эслатади.

Асарда боланинг энг яхши кўрган нарсаси – дурбин. У дурбин орқали узоқни яқин қилиб кўради. Профессор Абдукарим Муратовнинг «Оқ кема» асари бўйича 10 факт атови маълумотларида «Дурбин – узоқни яқин, яқинни узоқ қилиб кўрсатувчи оптик қурилмагина эмас, у дунёни таниб билишнинг рамзи» деб айтган. [3.] Бола дўрби билан оқ кемани, тоғларни, ҳайвонларни кўради, бу унинг қизиқишини ва билимга интилишини кўрсатади. Бола дўрбисини дўстим деб ҳисоблайди. Асарда дўрби боланинг ёлғизлигидан чиқишнинг қуроли. У дўрби билан янги дунёни кўради, бошқача айтганда мисол учун, кемани яқинлаштириб кўради. Бироқ дўрби ҳам етолмайдиган нарсаларни кўрсатади, бу – умид ва ҳақиқат ўртасидаги қарама-қаршилик.

Демак, дўрби – билимнинг ва кўз қарашнинг символи. Айтматов бу орқали боланинг ички дунёсини очади. Дўрби асарнинг структурасида муҳим: у орқали воқеалар тасвирланади. Рамзларнинг фалсафий маъноси – одам дунёни ўз кўзи билан кўриши керак, лекин жамият босими уни бузади.

Яна бир рамзий белги сифатида болага Мўмин бобоси сотиб берган портфель. Уни сотиб беришни дўкончи бобосига таклиф қилган эди.

-Ол, шалпақ қулоқ. -Дўкончи портфелни бериб туриб, кўзини қисиб қўйди. -Яхши ўқигин, акс ҳолда бобонгни тортиб, умр бўйи тоғдан тушмай ёввойи қолиб кетасан.

Бола портфелини кўтариб олиб, бошқаларга хурсандчилик билан кўрсатади-ку. Боланинг қувончи кўкрагига сиғмайди. Биз портфелни – юксалишнинг ва билимнинг, шунингдек, ҳаётнинг оқ-қорасини ажратиб олишнинг рамзи деб ҳисоблаймиз. Асаврда портфель боланинг мактабга боришининг белгиси, у унинг билан фахрланади. Илмий фактларга таянсак, портфель олинган кун – асарнинг уч кунлик воқеасининг биринчиси. Бола портфелини «учовимиз» деб ҳисоблайди: ўзи, дурби, портфели. Бу – боланинг дунёсида билимнинг ўрнини кўрсатади. Лекин портфель ҳам асарнинг фожиасида роль ўйнайди: бола мактабга бормай, сувга чўкканда у ортда қолади.

Портфель – келажакнинг рамзи, лекин ижтимоий ҳақиқат уни бузади. Айтматов бу орқали билимнинг аҳамиятини ва унинг йўқлигидан келиб чиқадиган оқибатларни кўрсатади. Рамз учликнинг бир қисми: бола, дурби, портфель – гармониянинг белгиси.

Шунингдек, Мўйизли Бўги-Она – табиатнинг ва анъананинг рамзи сифатида берилган. Асарнинг мифик қисми – Мўйизли Бўги-Она ҳақидаги эртак. Буги-Она – қирғиз халқининг келиб чиқиши, табиатнинг оналик рамзи. Асарда: «Мўйизли Буги-Она» ҳақидаги эртак «Оқ кеме» повестининг ажралмас қисми сифатида тасвирланади. Бу эртак асарнинг илдизи, ўзаги десак ҳам хато бўлмайди. Момун чол боланинг бобоси бу эртакни неварасига айтиб беради. Эртакда Майрик Чоор Жез кампир болаларни сувга туширмоқчи бўлганида уларни сўраб, сақлаб қолади. Ўшанда Майрик Чоор Жез кампир Буги-Онага «-Булар одам боласи. Улғайса буғуларингга ўқ отишади», деб огоҳлантиради. Вақти келиб улар кўпайиб, Буги уруғидан тарқаганлигини айтишиб, ўлган ота-оналарининг қабрига ўн саккиз шохли мўйизли буғуларнинг мўйизларини қўйишни одатга айлантиришади. Буги-Она ўшанда Майрик Жез кампирнинг сўзини эслайди ва улардан хафа бўлиб узоққа кетиб қолади.

Бугининг ўлдирилиши – повестнинг кулминацияси. Ўрозқул Бугини отиб ўлдиради, бу – анъананинг бузилиши. Бола эртакни эшитганидаёқ буғуни «Она» сифатида қабул қилади. Унинг балиқ бўлиб сузиб кетишига ҳам Бугини бобоси ўзи она сифатида тасвирлаб айтмаганмиди? Бола ыстымалаб чиққанда бобоси ўз қўли билан қозонга пишяпти, унинг мўйизлари чопилиб

қозоннинг бошида турганини кўради. Боланинг хаёлида «Она» инсоният қўлидан ўлдирилди. Боланинг тушунишида бу ўз боласининг онасига қўл кўтарилиши ҳисобланади.

Буги-Она – табиатнинг гармониясининг рамзи. Айтматов бу орқали экологик масалаларни кўтаради: инсон табиатни вайрон қилиб, ўз илдизларини йўқ қилади.

Асарда уч сони гармония ва симметриянинг рамзи ҳисобланади. Бу ҳақда тадқиқотчилар повестда уч сони муҳимлигини таъкидлаб: «Кордонда яшовчилар уч тутун; уч қоровул; уч эркак; уч аёл» деб тасвирлайди. Лекин повестда у бузилади, бу – ижтимоий дисгармониянинг рамзи.

Бола – болаликнинг ва соф онгнинг рамзи. Айтматов бу орқали жамиятнинг ёмонлигини кўрсатади. Унинг исми йўқ, фақат Бола. Бу – болаларнинг умумий образи.

Бола тошлар билан гаплашади, ҳайвонларни яхши кўради. Унинг ўлими – асарнинг фожиаси. Бола – соф онгнинг рамзи. Ўрозқул – ёмонликнинг, ҳокимиятнинг ва шафқатсизликнинг рамзи. Момун чол – доноликнинг рамзи. Момун – анъананинг сақловчиси, эртак айтиб берувчи.

Сув ва Иссиқ-Кўл – трансформациянинг рамзи. Сув – бола учун учинчи дунё, балиқ бўлиш – қочиш. Бола сувга чўкади. Тошлар ва ўсимликлар – дўстликнинг рамзи. Бола тошлар билан гаплашади. Ёлғизликнинг рамзи.

Қарағай Ўрмон – экологиянинг рамзи. Ўрмоннинг кесилиши – табиатнинг вайрон бўлиши.

Тадқиқотда Чингиз Айтматовнинг «Оқ кеме» повестининг символик тизими чуқур таҳлил қилинди. Асосий рамзлар – Оқ кеме, дурби, портфель, Мўйизли Буги-Она ва уч сони – асарнинг ғоявий ўзагини ташкил этиб, инсон ва табиатнинг гармониясини, анъана-қадриятларнинг бузилишини ва маънавий-ахлоқий инқирознинг фалсафий моҳиятини очиб беради.

- Оқ кеме – покликнинг, умиднинг ва етиб бўлмас идеал келажакнинг архетипи сифатида боланинг ички дунёсида ота-оналар ўрнини босади, лекин охирида етиб бўлмас узоқликнинг метафорасига айланади.

- Дурби – билимга интилишнинг, дунёни таниб-билишнинг ва умид билан ҳақиқат ўртасидаги оптик-метафизик ажралишнинг белгиси.

- Портфель – ўсишнинг, билимнинг ва учлик гармониянинг (бола – дурби – портфель) рамзи; келажакнинг умиди бўлиб, ижтимоий ҳақиқат томонидан бузилади.

- Мўйизли Буги-Она – табиатнинг оналик кучи, миллий мерос ва экологик масъулиятнинг образи; унинг ўлдирилиши анъана ва гармониянинг қулашининг кулминацияси.

- Уч сони – мифик симметриянинг (уч тутун, уч қоровул, уч дунё, уч эртак, уч кунлик сюжет) ва унинг бузилишининг – ижтимоий дисгармониянинг кўрсаткичи.

Бош қаҳрамон – «фақат Бола» – соф онгнинг, болаликнинг ва инсонпарварликнинг универсал рамзи сифатида фожиали марказни эгаллайди. Миф, фантазия ва реализмнинг синтези орқали повесть совет модернизациясининг маданий-руҳий зарарини, инсоннинг табиатдан ажралишининг оқибатларини ва маънавий деградацияни очиқ танқид қилади. Тадқиқотчиларнинг баҳосига кўра, асар миф ва замонавийликнинг органик бирлигининг классик намунаси сифатида жаҳон адабиётидаги экзистенциал-фалсафий матнлар қаторига киради.

Ҳулоса. “Оқ кема” повести – қирғиз адабиётининггина эмас, жаҳон адабиётининг ҳам бадиий-фалсафий шедеври. Айтматов рамзларнинг бой тизими орқали инсониятнинг абадул-абад муаммоларини – табиат билан ҳамоҳангликни сақлаш, анъана-қадриятларни ҳурмат қилиш, маънавий масъулиятни – боланинг соф кўзқараши орқали акс эттириб, ўқувчини чуқур ўйлантиради.

Асар совет давридаги ижтимоий ўзгаришларнинг инсоннинг ички дунёсига ва табиатга етказган зарарини кўрсатиб, экологик, ахлоқий ва мифопоэтик жиҳатлардан таҳлил қилинганда ўзининг долзарблигини йўқотмайди. Бугунги кунда ҳам глобал экологик инқирозлар, маданий меросни йўқотиш ва маънавий қадриятларнинг бузилиши масалалари ўткир турган пайтда “Оқ кема” бизга инсон табиатдан ажралмасдан, ўз урф-одатини сақлаб, келажак учун умидни йўқотмаслиги керак деган абадул-абад чақириқни юборади.

Айтматовнинг мохирлиги – рамзларнинг чуқурлигида ва бола образининг универсаллигида. “Оқ кема” ўқувчини фақат ўқитибгина қолмай, инсонликнинг намунаси сифатида тарбиялайди, келажак ҳақида ўйлантиради ва соф онгни сақлашга даъват этади. Бу қисса – қирғиз халқининг маънавий меросининг олтин хазинаси ва инсониятнинг абадул-абад изланишининг кўзгусидир.

Адабиётлар:

1. Кыргыз тилинин сөздүгү. Биринчи бөлүк. – Б.: “AVRASYA PRESS” 2016. 2016. -891 б.
2. Айтматов энциклопедиясы: Портреттер, илимий макалалар, эскерүүлөр, ырлар, каттар, маалыматтар, документтер, сүрөттөр ж.б. I том: А-Ж/ А.Акматалиевдин жалпы редакциясы астында. Экинчи бас. – Б.: “Турар”, 2018. – 971 б.
3. Чыңгыз Айтматов: “Окурмандын китеп текчеси” сериясы. 25-том./Түз.А.Кадырманбетова. - Б.: “Кут бер”, 2017. -640 б.